

ОБУНА ШАРТНОМАСИ № 01-04

Тошкент шахри

« 11 » 01 2022 йил

Устав асосида иш кўрувчи, шартнома матнида "Бажарувчи" деб юритилувчи "МАТВУОТ PS" масъулияти чекланган жамияти номидан директор О.А.Мамиров бир томондан ва Устав асосида иш юритувчи, шартнома матнида "Обуначи" деб юритилувчи Тошкент шаҳридаги "МАТВУОТ PS" иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Обуначи"га обуна каталогига киритилган газета журналларга 2022-йил учун обуна расмийлаштириш, обуна нашрларини даврий чиқиши белгиланган муддатларда "Обуначи"нинг юридик манзилига етказиб бериш. "Обуначи" ушбу нашрларини қабул қилиб олиш ва қийматини олдиндан тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Нашрларнинг аниқ турлари, уларнинг сони ва нархи, шунингдек, обуна муддати мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловадаги буюртма-спецификацияда келтирилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Обуначи" нашрлар "Бажарувчи" томонидан ўз вақтида етказиб берилишини талаб қилиш, "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилмаган обуна нашрлари Буюртма-спецификацияга мувофиқ бўлишини талаб қилиш, шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2.2. Обуначининг мажбуриятлари:

"Обуначи", обуна нашрлари учун мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш, тўлов амалга оширилган шартнома ва Буюртма спецификациянинг бир нусхасини "Бажарувчи"га қайтариш, ўз Буюртма спецификацияси бўйича етказиб берилган обуна нашрларини қабул қилиб олиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2.3. "Бажарувчи" етказиб берилмаган нашрлар учун олдиндан ҳақ тўланишини талаб қилиш ва қиймати тўланмаган обуна нашрларини етказиб бермаслик, тақдим этилган Буюртма спецификацияга мувофиқ етказиб берилган обуна нашрларини қабул қилиб олиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Обуначи"дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2.4. "Бажарувчи" "Обуначи"га обуна нашрларини мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда ва миқдорларда етказиб бериш, буюртма-спецификациясида белгиланган обуна нашрларини ўз вақтида етказиб берилмаганлиги оқибатида "Обуначи"га етказилган зарарни тўлаб бериш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси 11 436 010 сўм. сўм ҚҚС билан

ташқил этади. Етказиб берилмаган обуна нашрларининг рўйхати ва умумий баҳоси мазкур шартнома спецификацияда кўрсатилган.

3.2. Обуначи етказиб берилмаган обуна нашрлари туркуми суммасининг 100 (юз) фоизи миқдорида "Бажарувчи"га олдиндан ҳақ тўлайди. Мазкур шартномада келишилган барча хизматлар бажарилганидан сўнг, томонлар ўртасида етказиб берилган обуна нашрлари учун бажарилган ишлар далолатномаси имзоланади.

3.3. Етказиб берилмаган обуна нашрлари учун тўлов банкдан пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади. Тўлов Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўмда амалга оширилади.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Нашрларни етказиб бериш ва тўлов интизоми муносабатлари мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ҳамда талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласалар, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Обуна нашрлари тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Обуначи”га мажбурият бажарилмаган қисмининг ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган обуна нашрлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ қўлланилади.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома бўйича келиб чиққан келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади, томонлар ўзаро келишувга эришмасалар, низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида иқтисодий судлар тартибида хал этилади.

7. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022-йил 31-декабрь кунига қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Томонлар ўзларига боғлиқ бўлмаган (форс-мажор) ҳолатлари, яъни сув тошиши, zilзила, ёнгинлар, ҳарбий ҳаракатлар, эпидемия ва бошқа ҳолатлар юзага келиши оқибатида шартнома шартларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги форс-мажор ҳолати туфайли келиб чиқиши узрли деб ҳисобланади.






8.2. Форс-мажор ҳолатининг мавжуд экани ва унинг давомийлиги ваколатли орган томонидан бериладиган маълумотнома билан тасдиқланади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди ва томонларга бир нусхадан берилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эга.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“Таъминотчи”	“Обуначи”	
<p>“МАТБУОТ PS” МЧЖ Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй Х/р: 2020 8000 0008 3395 0001 МФО: 00446 ИНН: 305249279 ИФУД: 58190 “Туронбанк” АТБ бош офиси Тел: 2020 8000 0008 3395 (99) 302-11-15.</p> <p>Директор:  О.Мамиров.</p> 	<table border="1"><tr><td>ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ г. Ташкент, ул.А.Темур 60-“А” Тел: 234-11-48 Л/сч: 4009108660262667094100079001 ИНН: 201221691 ОКЗД: 85420 ОКОНХ: 92110 Казначейства Министерства финансов Р.У. Р/сч: 23402000300100001010 РК11 упр. ЦБ РУзг. Ташкент ИНН: 201122918 МФО: 14</td></tr></table> <p>Рахбар: </p>  	ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ г. Ташкент, ул.А.Темур 60-“А” Тел: 234-11-48 Л/сч: 4009108660262667094100079001 ИНН: 201221691 ОКЗД: 85420 ОКОНХ: 92110 Казначейства Министерства финансов Р.У. Р/сч: 23402000300100001010 РК11 упр. ЦБ РУзг. Ташкент ИНН: 201122918 МФО: 14
ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ г. Ташкент, ул.А.Темур 60-“А” Тел: 234-11-48 Л/сч: 4009108660262667094100079001 ИНН: 201221691 ОКЗД: 85420 ОКОНХ: 92110 Казначейства Министерства финансов Р.У. Р/сч: 23402000300100001010 РК11 упр. ЦБ РУзг. Ташкент ИНН: 201122918 МФО: 14		

2022-йил “ 11 ” 01 да тузилган

01-04-сонли шартномага ИЛОВА

БУЮРТМА – СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Индекс	Ўзбекистон Республикаси журналлари	Неча нусха Кол-экз	Обуна муддати Срок подписки	1 йиллик обуна бахоси Цена 1 года подписки	Сумма
1	822	Ёшлик	5	01-12.2022	702 880	3 514 400
2	919	Маънавий хаёт	5	01-12.2022	380 122	1 900 610
3	870	Тафаккур	5	01-12.2022	322 000	1 610 000
4	911	Шарқ юлдузи	5	01-12.2022	882 200	4 411 000
					ЖАМИ	11 436 010

ЖАМИ ОБУНА СУММАСИ: 11 436 010

(Ўн бир миллион тўрт юз ўттиз олти минг ўн) сўм ҚҚС билан.

“Бажарувчи”

Рахбар:



“Обуначи”

Рахбар:



Мазкур буюртма-спецификация, унга доир шартноманинг бир нусхаси “Бажарувчига” қайтарилиши лозим.